



**АЛИЮЛ-ҚОРИЙНИНГ ТАҒСИРИДАГИ УСЛУБИ ВА РИВОЯТ  
ЖИХАТИДАН АЛИЮЛ-ҚОРИЙНИНГ ТАҒСИРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11583488>

**Убайдуллаев Ислон Мусаевич**

*Тошкент ислом институти “Таҳфизул Қуръон”*

*кафедраси катта ўқитувчиси*

**Анворул-Қуръонда ривоят тафсирининг ўрни**

Ривоят тафсирига маъсур тафсир ёки нақлий тафсир ҳам дейилади. Бошқа муфассирлар каби Алиюл-Қорий ҳам ривоят тафсирига алоҳида аҳамият қаратган. У ўрни келганида оятларни оятлар билан, Пайғамбаримизнинг суннати билан ва саҳобаларнинг сўзлари билан тафсир қилган. Бундай усул Қуръон тафсирида жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар муфассир бу усулга эътибор қаратмаса, оятларга берилиши лозим бўлган маънодан узоқ қолади ва хатога тушади.

Биз бу мақоладада Қуръоннинг Қуръон билан тафсири, Қуръоннинг суннат билан тафсири, нузул сабаблари, носих-мансук, кироат, шеър билан истишход (гувоҳ келтириш) ва исроилийёт каби мавзуларни тадқиқ қилиб, муаллифимизнинг бу мавзуларга қай даражада эътибор берганини мисоллар билан баён қиламиз ва унинг ушбу мавзулардаги заковати ва муваффақиятини, агар бор бўлса, унинг баъзи бир камчиликли нуқталарини ҳар бир мавзуда мисоллар билан изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

**Унинг тафсирида оятлар билан гувоҳ келтириши:**

Шуниси муҳимки, Қуръоннинг илк ва энг керакли тафсири яна Қуръоннинг ўзидир. Зеро, Аллоҳ таоло Ўзининг каломидан нимани қасд қилганини шубҳасизки, ҳаммадан кўра Ўзи энг кўп билади. Зотан, энг тўғри сўз Аллоҳнинг каломидир.<sup>14</sup>

Қуръондаги оятлар бир-бири билан муқояса қилинганида улардан баъзисининг мужмал, баъзисининг аниқ, баъзисининг мутлақ, баъзисининг эса муқайяд, шунингдек бир қисмининг умумий, бошқа бир қисмининг эса хусусий ёки баъзи қиссаларнинг бир ўринда мухтасар ва мубҳам англантилишига қарамай, бошқа бир сурада уларнинг батафсил баён қилингани мушоҳада қилинади. Шу сабабли, Қуръон тафсирида илк босқич ва мурожаат қилинадиган энг муҳим манба яна Қуръоннинг ўзидир.

<sup>14</sup> Аз-Заркаший. Ал-Бурҳон фий улумил-Қуръон. – Қохира. Иса ал-баби, 1943. – Ж II. – Б. 175.



Муаллиф Қуръон оятларини яна Қуръон оятлари билан тафсир қилинишининг муҳимлигини устун қўйган ва баъзи оятларни бошқа баъзи оятлар билан тафсир қилишга ҳаракат қилган, масалан:

1-мисол: **«Бас, Одам ўз Роббисидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин У Зот унинг тавбасини қабул қилди»** (Бақара сураси 37-оят).

Алиюл-Қорий бу оятнинг тафсирида шундай дейди: «Яъни, ҳазрати Одам тавба ҳолига ва илтижо мақомига далолат қилувчи калималарни ўрганиб олди. Бу калималарни Аллоҳ таолонинг ушбу ояти тафсир қилади: «Икковлари : **«Эй Роббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик. Агар Сен бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрганлардан бўламиз, дедилар»** (Аъроф сураси 23-оят).<sup>15</sup>

2-мисол: **«Сизга, кейин тиловат қилинадиганларидан бошқа, чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди»** (Моида сураси 1-оят).

Муаллиф ушбу оятни шундай тафсир қилади: **«Сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти... ҳаром қилинди»** (Моида сураси 3-ояти) каримаси юқоридаги оятни тафсир қилади.<sup>16</sup>

#### **Тафсирида ҳадисларни гувоҳ келтириши**

Қуръоннинг Қуръон билан тафсиридан кейин энг муҳим нуқта Қуръоннинг ҳадис билан тафсир қилинишидир. Бошқача айтганда, Қуръонни Қуръондан сўнг энг хос муфассири – ҳазрати Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламдир. У зот Қуръонни шарҳ ва баён қилишга буюрилгандир. Шу сабабли, суннат Қуръоннинг энг муҳим тафсир манбаларидан биридир. Суннат Қуръоннинг умум ва хусусини, мутлақ ва муқайядини, носих ва мансухини ва бошқа бир қанча хусусларини изоҳ қилади.

Муаллифимиз бу хусусни жуда яхши билгани ва унга аҳамият қаратгани сабабли, оятларнинг тафсирида суннатдан ҳам истифода қилган, масалан:

1-мисол: **«Ана ўшалар залолатни ҳидоятга сотиб олганлардир. Ва тижоратлари фойда келтирмади ҳамда улар ҳидоят топганлардан бўлмадилар»** (Бақара сураси, 16-оят).

Муаллиф ушбу оятни ушбу «Аллоҳ таоло махлуқотларни бир зулмат ичида яратди. Сўнг Ўзининг нуридан уларга сочди. Кимга ўша нурдан бир насиба теккан бўлса у ҳидоят топди ва кимга ундан насиба етмаган бўлса, у залолатда қолди ва адашди»<sup>17</sup> ҳадисини гувоҳ келтириб тафсир қилган.<sup>18</sup>

<sup>15</sup> Мулла Али Қорий. Анворул-Қуръон . – Ливан. Дор ал китоб илмийя. – Б. 106-11а.

<sup>16</sup> Ўша асар, – Б. 114а.

<sup>17</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад. – Байрут 2, 197-ҳадис.

<sup>18</sup> Мулла Али Қорий. Анворул-Қуръон . – Ливан. Дор ал китоб илмийя. – Б. 5б.



2-мисол: «Улардан зулм қилганларидан кўркманглр. Мендан кўркинглр. Ва сизга неъматимни батамом этиш учун, шоядки, хидоят топсангиз» (Бақара сураси, 150-оят).

Алиюл-Қорий бу оятда келган «Неъматимни батамом этиш учун» қисмини «Неъматнинг тамомланиши Жаннатга киришлиқдир»<sup>19</sup> шаклидаги ҳадис билан тафсир қилган.<sup>20</sup>

Алиюл-Қорий оятларнинг тафсирида ўрнига қараб баъзан бир ёки бир қанча ҳадисларни гувоҳ келтирган. У келтирган ҳадисларининг ровийларининг исмларини ва ушбу ҳадисларни ўз ичига олган мажмуаларнинг номларини камдан-кам зикр қилган. У ўзи келтирган ҳадисларнинг саҳихлигига аҳамият қаратган бўлсада, хоссатан Қушайрий ва унга ўхшаш баъзи мутасаввифларнинг нақл қилган ҳамда у ўзи саҳихлигида тараддуд қилган ва ҳатто мавзуй ёки заиф деб қабул қилган баъзи ҳадисларни ҳам келтирганлигини кўриш мумкин.<sup>21</sup> Лекин шунга қарамай, Алиюл-Қорий суннат билан тафсир мавзусида муваффақиятга эришган ва бу усулдан кўплаб фойдаланган.

### **Нузул сабаблари**

Алиюл-Қорий оятларнинг тафсирида нузул сабабларини ҳам баён қилган. Чунки оятларнинг яхши тушунилиши учун тафсир илмида ўрганилиши лозим бўлган хусуслардан бири, балки энг муҳими оятларнинг қаерда, қачон ва қандай сабаб билан нозил бўлганлигини билишдир.<sup>22</sup> Оятларнинг нузул сабабларини билмасдан туриб уларни тафсир қилиш мумкин эмас.<sup>23</sup> Шу сабабли нузул сабабларини билишнинг кераксиз эканини даъво қилиш катта хатодир. Нузул сабабларини билишнинг кўплаб фойдалари бор,<sup>24</sup> масалан:

1-мисол: «**Жаброилга душман бўлганларга айт...**» (Бақара сураси, 97-оят).

Муаллиф бу оятнинг нузул сабабини шундай изоҳ қилган: «Яҳудийлар ҳазрати Пайғамбаримиздан соллоллоҳу алайҳи васаллам кимнинг ваҳий олиб келганини сўрайдилар. Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам Жаброил деганида, яҳудийлар шундай жавоб берганлар: «У бизнинг душманимиздир. У бизга бир неча марта душманлик қилган. Энг ашаддийси, унинг пайғамбаримизга келиб, Бухтуннаsrнинг Байтул-Мақдиси бузиб

<sup>19</sup> Термизий, Дават. – Қоҳира. Ал-Мадина, 1964. Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад. – Байрут. – Ж. V. – Б. 231-235.

<sup>20</sup> Мулла Али Қорий. Анворул-Қуръон . – Ливан. Дор ал китоб илмийя. – Б. 296.

<sup>21</sup> Мулла Али Қорий. Анворул-Қуръон . – Ливан. Дор ал китоб илмийя. – Б. 4716-447-523а.

<sup>22</sup> Доктор Исмоил Жарроҳўғли, Яҳё ибн Саллом ва унинг тафсирдаги методи. – Анқара. 1968. – Б. 72.

<sup>23</sup> Ал-Воҳидий, Асбаун-нузул. – Байрут. Дар ал кутуб илмийя, 1975. – Б.4.

<sup>24</sup> Аз-Зарқаший. Ал-Бурҳон фий улумил-Қуръон. – Қоҳира. Иса ал-баби, 1943. – Ж I. – Б. 109.



ташлашининг хабарини бергани ва уни ўлдириш учун одам юборганимизда унинг Бухтуннасрни ҳимоя қилганидир».<sup>25</sup>

2-мисол: «Улар: «Аллоҳ фарзанд тутди», дерлар. У покдир. Албатта осмонлару ердаги барча нарсалар Униқидир. Ҳамма Унга бўйсунувчидир» (Бақара сураси, 116-оят).

Бу оятнинг тафсирида муаллифимиз унинг нузул сабаби ҳақида шундай дейди: «Яҳудийлар Узайрнинг, насоролар Исонинг, араб мушриклари эса фаришталарнинг Аллоҳнинг фарзандлари эканини даъво қилдилар. Шу сабабли, бу оят нозил бўлган».<sup>26</sup>

Келтирган мисолларимиздан аён бўладики, муаллиф оятларнинг нозил бўлиш сабабларини изоҳ қилар экан, баъзан ривоятларга таянади, баъзан эса ҳеч бир ривоятга таянмайди. Шунингдек, бир оятнинг нузул сабаблари бир канча экани ҳолда, у биргина сабабни келтирган, баъзан эса бир оятнинг бир канча нузул сабабларини баён қилган.

### **Носих-мансук**

Қуръони карим оятларининг тафсирини қилиш ва улардан амалий ҳукмлар чиқариш учун билиниши лозим бўлган асослардан бири бу-наسخ масаласидир. Насх фақатгина ҳукм оятларидагина зоҳир бўлган.<sup>27</sup>

Алиюл-Қорий Анворул-Қуръонда насх ҳодисасини ҳам баён қилган, масалан:

1-мисол: «Сизларга, биронтангизга ўлим келганда, агар у бойлик қолдираётган бўлса, ота-онаси ва яқинларига тўғрилиқ билан васият қилиш такводорларнинг бурчи сифатида фарз қилинди» (Бақара сураси, 180-оят).

Муаллифимиз бу оятни Нисо сурасининг мерос ҳақидаги ояти билан насх бўлганини баён қилган.<sup>28</sup>

### **Шеър билан гувоҳ келтириши**

Алиюл-Қорий маънога ёки эъробга ёрдамчи бўлади дея вақти-вақти билан шеърларни ҳам гувоҳ қилиб келтирган, масалан:

1-мисол: «Ва У Одамга исмларнинг барчасини ўргатди сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилди...» (Бақара сураси, 31-оят).

Муаллиф бу оятнинг тафсирида шундай дейди: «Бу ўринда истиҳдом (фойдаланиш) бордир. Исмлардан мурод лафзлардир. (عرضهم) даги олмош билан исмланган отлар (исмларнинг далолат қилган маънолари) мақсад

<sup>25</sup> Анворул-Қуръон,

<sup>26</sup> Мулла Али Қорий. Анворул-Қуръон . – Ливан. Дор ал китоб илмийя. – Б. 226.

<sup>27</sup> Аз-Заркаший. Ал-Бурҳон фий улумил-Қуръон. – Қохира. Иса ал-баби, 1943. – Ж II. – Б. 175.

<sup>28</sup> Мулла Али Қорий. Анворул-Қуръон . – Ливан. Дор ал китоб илмийя. – Б. 246.



қилиниб исмларга ишора қилинган. Яъни, олмошнинг манбаси исмлардир. Шоирнинг ушбу шеърида бу ҳолат баён қилинган ва унда истихдом бордир:

Бир жамоанинг ерларига ёмғир ёққан замон, улар ғаблансаларда, биз самони (ўсимликларни) ўтлатамиз».<sup>29</sup>

Бу ерда самодан мақсад ёмғирдир. Шеърда келган (رعبناه) калимасидаги олмош эса ўсимликларга тааллуқли бўлиб, самога рожеъдир (қайтувчидир). Шу сабабдан бу ўринда истихдом бордир.

Хулоса ўрнида шуни айтамызки, муаллиф роҳимахуллоҳнинг тафсир илмида ўзига хос ўрни бўлган. Кўплаб уламоларнинг тафсирларга оид асарлари ичида ўзига хослиги билан ажралиб турган. Боиси юқорида Қуръони каримни тафсир қилишда ўзига хос ўринларни санаб ўтилган бўлса, шуларда Қуръонни Қуръон билан, ҳадис, нузул, носих-мансүхлигига ва шъер орқали тафсир қилишда келтирилаётган далиллар инсонни ҳайратга солади ва олимнинг оятларнинг дақиқ нуқталаригача аҳамият қаратишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

---

<sup>29</sup> Мулла Али Қорий. Анворул-Қуръон . – Ливан. Дор ал китоб илмийя. – Б. 20б.